O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING

BUYRUGI

20/5 yil "01" 05 № 177

Toshkent sh.

Бактериологик, вирусологик ва ўта хавфли юқумли касалликлар лабораторияларида ўтказиладиган лаборатория текширув усулларини такомиллаштириш тўғрисида

Бактериологик, вирусологик ва ўта хавфли юқумли касалликлар лабораторияларида одамлар ва ташқи муҳитдан олинган биоматериалнинг текширув усулларини такомиллаштириш максадида

БУЮРАМАН:

1. Қуйидагилар:

Кўкйўтал ва паракўкйўталнинг бактериологик ва серологик текширувлари бўйича услубий кўрсатма 1-иловага;

Менингококк инфекцияси ва бошка бактериал менингитларнинг лаборатория ташхисоти бўйича услубий кўрсатма 2-иловага;

Дифтерия касаллиги кўзгатувчиси ва токсинини серологик хамда бактериологик усул билан аниклаш бўйича услубий кўрсатма 3-иловага;

Ўткир диарея касаллигида бактериологик текширувларнинг кетма-кетлиги бўйича услубий кўрсатма 4-иловага;

Ич терлама ва паратиф касалликларининг бактериологик ва серологик ташхисоти бўйича услубий кўрсатма 5-иловага;

Қизамик ва кизилча касаллигига чалинган беморлардан олинган намуналарни йиғиш, саклаш ва транспортировкаси бўйича услубий кўрсатма 6-иловага;

Ўткир бўшанган шол касаллигига чалинган беморлардан олинган намуналарни йиғиш, саклаш ва транспортировкаси бўйича услубий кўрсатма 7-иловага;

Вирусли гепатитларнинг маркёрларига серологик ва вирусологик текширувларни амалга оширин бўйича услубий кўрсатма 8-иловага;

002187

Грипп ва ЎРВИга ПЗР (полимераза занжир реакцияси) усулида текширувларни амалга ошириш бўйича услубий кўрсатма 9-иловага;

Вабо касаллигининг лаборатория ташхиси бўйича услубий кўрсатма 10-иловага;

Қуйдирги касаллигини одамлар ва ташқи муҳит объектлари, ҳайвон хом ашёсида лаборатория усулларида аниқлаш бўйича услубий кўрсатма 11-иловага;

Бруцеллёз касаллигининг лаборатория ташхиси бўйича услубий кўрсатма 12-иловага;

Риккетсиоз касаллигининг лаборатория ташхиси бўйича услубий кўрсатма 13-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика ўлат, карантин ва ўта хавфли юқумли касалликлар муҳофазаси маркази, Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти ва Вирусология илмий текшириш институти директорлари, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни саклаш бош бошқармалари бошлиқлари, Давлат санитария-эпидемиология назорати марказларининг бош врачларига:

бактериологик ва вирусологик текширувларни ушбу буйрук билан тасдиқланган услубий кўрсатмалар асосида ўтказилишини таъминлаш;

1-4-гурух патогенлар гурухига кирувчи инфекция қўзғатувчилари билан ишлаш жараёнида эпидемияга қарши тадбирларга мувофиқ лабораторияларда биологик хавфсизликни таъминлаш;

лабораторияларни замонавий жиҳоз, аппаратура ва мебеллар, озуқа муҳитлари ва уларга қўшимчалар, диагностик препаратлар, кимёвий реактивлар ва лаборатория идишлари билан таъминлаш чораларини кўриш тоширилсин.

3. Республика ўлат, карантин ва ўта хавфли юқумли касалликлар муҳофазаси маркази директори, биологик хавфсизлик қоидаларига риоя этишни назорат қилиш комиссияси бошлиғи М.М.Маламинова Соғлиқни саклаш вазирининг 2013 йил 6 декабрдаги 409-сонли буйруғига асосан I-II гурух патоген агентлари, III-IV гурух бактерия ва вируслари билан ишлаётган лабораторияларда биологик хавфсизлик қоидаларига риоя этилиши бўйича назоратни кучайтириш тоширилсин.

4. Мазкур буйрук чиқарилиши муносабати билан Соғлиқни саклаш вазирининг "Бугма касаллигини камайтириш ва унинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида"ги 1994 йил 21 декабрдаги

577-сонли буйруғининг 3-иловаси, Соғликни сақлаш вазирининг "Ўзбекистон Республикасида ўткир диарея касаллигининг профилактик чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида"ги 2007 йил 29 декабрдаги 595-сонли буйруғининг 4-иловаси, Соғликни сақлаш вазирининг "Республикада бруцеллёз касаллигига карши олиб борилаётган чора-тадбирларни такомиллаштириш тўғрисида" 2014 йил 20 июндаги 210-сонли буйруғининг 2-иловаси, Соғликни сақлаш вазирининг "Одамлар ўртасида қуйдирги касаллигини олдини олиш бўйича чора-тадбирларни такомиллаштириш тўғрисида" 2014 йил 5 июндаги 195-сонли буйруғининг 3-иловаси, Республика Бош Давлат санитария врачи томонидан 2006 йил 16 ноябрда тасдикланган "Кўкйўтал ва паракўкйўталнинг бактериологик ва серологик текширувлари бўйича" 012-3/0083-сонли йўрикнома, Республика Бош Давлат санитария врачи томонидан 2006 йил 5 майда тасдикланган "Менингококк инфекцияси ва бошқа бактериал менингитларнинг микробиологик ташхисоти" 012-3/0069-сонли услубий кўрсатма, Республика Бош Давлат санитария врачи томонидан 2008 йил 16 октябрда тасдикланган "Ич терлама ва паратиф касалликларининг бактериологик ва серологик ташхисоти" 012-3/0135-сонли услубий кўрсатма, Республика Бош Давлат санитария врачи томонидан 2014 йил 10 февралда тасдикланган "Мавсумий грипп ва ўткир респиратор вирусли инфекциялар билан касалланишнинг лаборатория назоратини полимераза занжирли реакция усули билан ўтказиш тартиби" йўрикнома, Республика Бош Давлат санитария врачи томонидан 2012 йил 17 апрелда тасдикланган "Вабо касаллигининг лаборатория ташхиси" 012-3/0217-сонли услубий кўрсатма ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ушбу буйрукнинг ижроси устидан назорат вазир ўринбосари, Республика Бош Давлат санитария врачи С.С.Саидалиев зиммасига юклатилсин.

Вазир **А. Алимов**